

**“Умумжаҳон пул ҳафталиги” (Global Money Week) доирасида  
“Пулни режалаштиринг, келажагингизни қуринг” мавзусида  
“Молиявий саводхонлик бўйича энг яхши дарс” танловини ўтказиш  
ҚОИДАЛАРИ**

**1. Умумий қоидалар**

Ушбу ҳужжат “Умумжаҳон пул ҳафталиги” (Global Money Week) доирасида ўқитувчилар ўртасида “Пулни режалаштиринг, келажагингизни қуринг” мавзусидаги “Молиявий саводхонлик бўйича энг яхши дарс” танловини (бундан бундан матнда Танлов деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солади.

Танлов Марказий банк томонидан ўтказилиб, иштирокчилар яратган информацион видеороликлар ва услубий ишланмалар орқали ўқитувчиларнинг молиявий саводхонлигини ошириш ва мактаб ўқувчилари ва ёшларнинг молиявий маданиятини шакллантириш кўзда тутилган.

Ушбу танловда ёшларнинг эрта ёшдан бошлаб молиявий билимлардан хабардор бўлиб, тўғри молиявий қарорлар қабул қила олишларининг асосий афзалликлари ҳамда моҳиятини очиб берган энг яхши дарс аниқланади.

**2. Танлов мақсади**

Танлов жорий ўқув фанларига молиявий саводхонлик компонентини киритиш орқали мактаб ўқувчилари орасида молиявий саводхонликни ва молиявий таълимни оммалаштириш мақсадида ўтказилади. Танлов мақсадларидан келиб чиқиб қуйидаги вазифалар белгиланади:

- молиявий саводхонлик соҳасида таълим сифатини ошириш;
- молиявий саводхонлик соҳасида педагогик тажрибани шакллантириш;
- ўқув жараёнининг услубий таъминотини такомиллаштириш;
- мактаб ўқувчиларининг молиявий маданиятини ривожлантиришга кўмаклашиш.

**3. Танлов иштирокчилари**

Танлов 5-11 синф ўқитувчилари ўртасида ўтказилади.

**4. Танловнинг асосий шартлари**

Танлов молиявий саводхонлик соҳасида дарснинг услубий ишланмасини тайёрлаш ва дарс ишланмаси асосида ташкил этилган дарсдан ташқари машғулотлар бўйича ўтказилади. Дарслар ўқув фанлари доирасида олиб борилади.

**5. Танловнинг техник шартлари**

Танлов мавзусига мос ҳолда ташкил этилган дарснинг услубий ишланмалари ва исталган техник аппарат ёрдамида, зарур сифатга суратга олинган (яратилган) видеороликлари тақдим этилиши мумкин.

**Услубий ишланмаларга қўйиладиган талаблар:**

Услубий ишланмалар .doc ёки .docx электрон форматида, 5 дан 15 бетгача тақдим этилади ва эркин форматда шакллантирилади.

Электрон ҳужжат қуйидагиларни ўз ичига олиши зарур:

- аннотация (мавзу, мақсад, вазифалар, дарс самарадорлиги);
- калит сўзлар (5-10 та атама);
- дарс сценарийси;
- иловалар (ўқитувчининг хоҳишига кўра).

#### **Видеороликка қўйиладиган талаблар:**

- видео формати: MP4 x 264;
- видеонинг пикселлар сони – 1080p, 720p (кенглик учун минимал ўлчам 1280 пиксел; баландлик учун минимал ўлчам 720 пиксел);
- видеороликнинг давомийлиги - 20 дақиқагача;
- видеороликнинг охирида мактаб рақамини кўрсатувчи ахборот бўлиши зарур.

Тақдим этиладиган ижодий ишларда учинчи шахслар ҳуқуқларини бузувчи, Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келувчи ҳамда реклама элементларини ўзида мужассам этувчи маълумотлар бўлмаслиги лозим.

#### **6. Дарс жараёнига қўйиладиган талаблар**

Услубий ишланма ва молиявий саводхонлик дарси қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- услубий ишланма ва дарснинг мазмуни танлов мавзуси ва мақсадига мос келиши;
- материал тизимлаштирилган, интерактив ва изчил бўлиши;
- услубий ишланма маълум материаллар, босма ва электрон ресурслар манбаларини ўз ичига олиши зарур;
- дарсларда Марказий банкнинг ўқув фанларига молиявий саводхонлик компонентларини киритиш бўйича услубий ишланмасидан фойдаланиши.

Шунингдек, танловга ўқувчиларнинг дарс давомида бажарилган ишлари (расмлар, композициялар, иншоолар, тақдимотлар, ижодий ишлар ва бошқалар) юборилиши мумкин.

#### **7. Танлов ишларини баҳолаш мезонлари**

Танлов бўйича ҳайъат аъзолари видеороликларни қуйидаги мезонлар асосида баҳолашади:

- молиявий саводхонлик компонентини ўқув фанларига киритилганлик даражаси;
- дарсга ижодий ёндашув (молиявий саводхонлик бир нечта мавзуларини бирлаштириш – молиявий хавфсизлик, жамғариш маданияти, рақамли молиявий саводхонлик, молиявий режалаштириш);
- дарсларга “edutainment” форматидаги интерактив компонентлар киритиш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг молиявий саводхонлик бўйича ахборот-таълим веб-сайтнинг таълим материалларидан фойдаланиш.

## **8. Танлов ташкилий қўмитаси ва ҳакамлар ҳайъати**

### **Танлов ташкилий қўмитаси**

Танлов ташкилий қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимларидан ташкил топилади ва қуйидагиларни амалга оширади:

- иштирокчилардан аризалар ва танлов ишларини йиғиш;
- танловга тақдим этилган ишлар, материаллар ва ҳужжатларни текшириш, шу жумладан ишларни контрафактга текшириш ишларини ташкил этиш;
- танлов ўтказиш тартиби ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш;
- Марказий банк веб-сайти ва ижтимоий каналларида танлов бўйича эълонларни бериб бориш;
- мазкур ҳужжатнинг 4,5,6-бандларида кўрсатилган танлов шартларига мос келмаган ишларни муаллифни огоҳлантирмасдан танловда иштирок этишдан четлатиш бўйича таклифларни танлов ҳайъатига киритади.

Танловнинг ташкилий қўмитаси танлов ишларини жамоатчилик эътиборига тақдим этиш ва танлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритиш мақсадида муаллифни хабардор қилмасдан ва уларга ҳақ тўламасдан ҳар қандай танлов ишларини тўлиқ ёки қисман нашр этиш ҳуқуқига эга.

### **Танлов ҳайъати**

Танлов ишларини баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакилларида танлов ҳайъати тузилади.

Танлов ҳайъатининг ҳар бир вакили танлов мезонларига жавоб бермайдиган танлов ишларини асослантирган ҳолда баҳоламаслик ҳуқуқига эга.

Танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг камида 2/3 қисми (кворум) Танлов ишларини баҳолаган тақдирда якуний натижалар инобатга олинади ва ваколатли ҳисобланади.

## **9. Танловни ташкил этиш тартиби ва шартлари**

Танлов ишлари **2023 йил 6 апрелдан 30 апрель куни 16:00 дақиқагача қабул қилинади**. 2023 йил 30 апрелдан кейин келиб тушган ариза ва ишлар танловида иштирок этишига рухсат берилмайди. Танловида иштирок этиш танлов шартлари билан танишиб чиққанлик ва уларга тўлиқ риоя этилишига розиликни англатади.

Муаллиф автоматик тарзда ўз ижодий ишларини Марказий банкнинг расмий каналлари, молиявий саводхонлик бўйича ижтимоий тармоқ саҳифаларида нашр қилишга розилик беради.

### **Ғолибларни саралаш тартиби**

Танлов бўйича ҳакамлар ҳайъати аъзолари танлов доирасида аризаларни қабул қилиш якунланганидан сўнг ҳар бир иштирокчининг ижодий ишини тегишли мезонга асосан ўрнатилган тартибда баҳолайди. Баҳолаш натижаларига кўра танлов ташкилий қўмитаси балларни умумлаштириб чиқади. Энг кўп балл тўплаган иштирокчилар орасидан ғолиб ва совриндорлар аниқланади.

Мазкур ҳужжатнинг 4,5,6-бандларида кўрсатилган шартларга жавоб бермайдиган ижодий ишлар ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилмайди.

Танлов бўйича ижодий ишларга тақриз берилмайди ва ишлар қайтарилмайди. Танлов жараёнлари ва натижалари бўйича шикоятлар/ апелляциялар қабул қилинмайди.

Агар ғолиблар аниқланмаса, танлов ҳайъати танловни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга.

Танлов ғолиблари Марказий банкнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий саҳифаларида эълон қилинади.

Агар танлов ғолиб совринни олишдан бош тортган бўлса ёки танлов натижалари эълон қилинган кундан бошлаб 10 банк иш куни ичида уни олиш ниятини билдирмаган бўлса, ғолибнинг совринни олиш ҳуқуқи йўқолган деб ҳисобланади. Совринни олишдан бош тортган ёки белгиланган муддатда совринни олиш/ундан фойдаланиш ниятини билдирмаган ғолиб ушбу муддатдан кейин совринни ташкилотчидан талаб қилишга ҳақли эмас. Унинг мукофоти танлов рўйхатида иккинчи (2-ўрин)ни олган ғолибига берилади.

Танлов ғолиб ва совриндорлари қуйидаги эсдалик совғалари билан тақдирланадилар:

- 1-ўрин – **моноблок;**
- 2-ўрин – **ноутбук;**
- 3-ўрин – **смартфон.**

## **9. Аризаларни тақдим этиш**

Танлов иштирокчилари аризалар, услубий ишланмалар ва видеороликларни [konkurs.cbu@gmail.com](mailto:konkurs.cbu@gmail.com) электрон почта манзилига юборишлари (хат мавзусида “**Global Money Week 2023**” ўқитувчилар учун танлов деб кўрсатилиши шарт), электрон почта манзили, 100001, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 6 почта манзилига, ҳудудий Бош бошқармалари (<https://cbu.uz/oz/about/central-office/regional/>) орқали юбориши ёки шахсан электрон хотирада Марказий банк биносига олиб келиб беришлари мумкин.

Кўшимча саволлар юзасидан қуйидаги телефон рақамига мурожаат қилинг: +99871 212-73-56, +99871 212-73-58.

### **Ариза шакли**

Мақтаб ўқитувчиси Ф.И.Ш.	
Ўқув фани	
Алоқа телефон рақамлари	
Мақтаб рақами, манзили	
Уй манзили	